

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**



**“XORIJIY TILLARNI O‘QITISHDA
YANGICHA YONDASHUVLAR”**

**Mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy
onlayn anjumani**

**“FIRDAVS-SHOH”
TOSHKENT – 2022**

GULYAMOVA SHAHZODA BAXTIYOR QIZI. ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA DISKURS VA UNING TALQINI	182
ISKANDAROVA MAQSUDA ATABAYEVNA. TAYYORLOV GURUHI BOLALARINING BADDIY-ESTETIK MADANIYATINI TABIAT GO'ZALLIGINI IDROK QILISHGA O'RGATISH ORQALI TARBIYALASH	187
JABBERGANOVA QUVONCH MAQSUD QIZI. TALABALARNI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHDA KOMPETENSIYAGA YO'NALTIRILGAN YONDASHUV	191
MO'MINOVA DILDORA O'RINBOYEVNA. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLANING HAR TOMOLAMA YETUK SHAXS SIFATIDA KAMOL TOPISHIDA AQLIY TARBIYANING O'RNI	196
RUSTAMOVA SHAHNOZA ARIPOVNA. BOSHLANG'ICH MAKTABDA INGLIZ TILINI O'QITISH VA O'RGANISH OMILLARI ENGLISH TEACHING AND LEARNING FACTORS IN PRIMARY SCHOOL	199
SAFAROVA GUZAL QUDRATOVNA. IJTIMOIIY HAYOTDA TABU HAMDA EVFEMIZMLARNING O'RNI VA BU MASALALARGA OID QARASHLAR.....	203
SALAEVA MUBORAK SABUROVNA. G'ULAMOVA SEVINCH RUSTAM QIZI TA'LIMNI AXBOROTLASHTIRISH SHAROITIDA BO'LAJAK PEDAGOGLARNING VIRTUAL AKADEMIK MOBILLIGINI SHAKLLANTIRISH	209
SALAYEVA MUHABBAT SABUROVNA. KREDIT -MODUL TIZIMIDA MUSTAQIL TA'LIM - TA'LIM JARAYONINING ENG MUHIM SHAKLI SIFATIDA	213
SAYDAKHMATOVA HILOLA. "UMID" TUSHUNCHASINING KONTSEPTUAL XUSUSIYATLARI	217
SITORABONU ATAULLAYEVA. KETRIN MENSFILD – KICHIK HIKOYALAR USTASI.....	225
USMONOVA KAMOLA ERKINOVNA. FONETIK BIRLIKLAR VA ULARNING YUZAGA KELISH QONUNIYATLARI	232
АБДРАХМАНОВА МАКСАТХАН АБДИГАНИЕВНА. ФРАНЦУЗ ТИЛИДА МОДАЛ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	239
АБРОРОНОВА КАМОЛАХОН АБРОРХОН КЫЗЫ, ХУДОЙБЕРДИЕВА САЙЁРА КЫЛЫЧ КЫЗЫ. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО ВООБРАЖЕНИЯ И ФАНТАЗИИ У МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ЭКСКУРСИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	248
АБУБАКИРОВА НОДИРАБЕГИМ РАФИСОВНА. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ И ФОРМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ САМООБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ	255
ДЎСТМАМАТОВА НИЛУФАР ПИРИМҚУЛОВНА. РУС ТИЛИДА ГРАДУАЛЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ	260

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА МОДАЛ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ LINGUISTIC FEATURES OF MODAL WORDS AND EXPRESSIONS IN FRENCH

Абдрахманова Максатхан Абдиганиевна⁶⁷

Анотация: Модаллик категорияси мулоҳазанинг умумий мазмунини характерловчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади, ва сўзловчининг ушбу мазмунга муносабатини билдиради, яъни унинг воқеликка муносабатини, уни тушунишини ифодалайди. Модал сўзлар (lot.modalis-ўлчов ,усул) сўзловчининг ўз фикрига турлича муносабатини англатадиган ва фикрининг аниқлиги, ростлиги, гумонли еки шартлилигини ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар.

Annotation: The category of modality is one of the important features that characterize the general content of a thought, and expresses the speaker's attitude to that content, that is, his attitude to reality, his understanding of it. Modal words (lot.modalis-measurement, method) are words that signify a different attitude of the speaker to his opinion and serve to express the accuracy, truthfulness, suspicion or conditionality of his opinion.

Калим сўзлар: нутқ, интонация, инкор, сўроқ, тасдиқ, гумон, шартлилик.

Keywords: speech, intonation, denial, interrogation, affirmation, suspicion, conditionality.

Модаллик категорияси сўзловчининг нутқи мазмунига муносабатининг воситаси ҳисобланиб, яъни унинг воқеликка муносабатини акс эттириб, бу билан сўзловчиларнинг бир-бирини анча тўлиқ, бир-бирини кўпроқ тушунишига кўмаклашади.

Шу муносабат билан акад. В.В. Виноградовнинг модаллик категориясининг шакллари ва мазмуни ҳақидаги фикрини келтириш керак: “Чунки гап, воқеликни унинг амалий ижтимоий онгида акс эттирар экан, албатта, нутқнинг воқеликка тегишлилигини ифодалайди, гап билан, унинг типларининг ранг-баранглиги билан модаллик категорияси чамбарчас боғланган. Ҳар бир гап, муҳим конструктив белги сифатида, ўз ичига модаллик маъносини, яъни воқеликка муносабатни кўрсатишни олади. Фикрнинг, туйғунинг, истакнинг бир бутун ҳар қандай ифодаси, воқеликни мулоҳазанинг у

⁶⁷ Ўқитувчи, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, abduganiyevnamaksadhon@gmail.com

ёки бошқа шаклида акс эттириб, тилнинг ушбу тизимида мавжуд бўлган гапнинг интонацион схемаларидан бирига бурканади ва ўша синтактик маънолардан бирини ифодалайди-ки, улар жамулжам бўлиб модаллик категориясини ҳосил қиладилар.⁶⁸

Мана шунинг учун ҳам у ёки бошқа тилнинг модаллик категориясини ўрганиш бу тилда сўзлашувчиларга анча мукаммал ўзаро бир-бирини тушунишга эришишга кўмаклашадиган ушбу тилнинг шакллари ва ўша воситаларини тушуниш имконини беради.

Француз тилида, рус тилида (умуман ҳинд-европа тиллари тизимида ҳам) бўлгани каби, модалликнинг иккита турини фарқлаш лозим: 1) феълнинг шаклларида, яна шунингдек айрим ёрдамчи феъллар билан ифодаланган модаллик ва 2) алоҳида сўзлар ҳамда иборалар, интонация, сўзларнинг тартиби билан ифодаланган модаллик.

Модалликликни ифодалашнинг иккинчи гуруҳи ўз қўлланилишида, шаклларда ва мазмунлардаги фарқдан ташқари яна шулар билан ажралиб турадилар: 1) бу гуруҳнинг сўзлари ҳам бутун гапга, ҳам унинг айрим бўлақларига тегишли бўлишлари мумкин; 2) улар феълларнинг шакллари билан ифодаланган модал маъноларга ҳар хил тус бағишлайдилар.

Мана мисол учун, феълнинг индикатив шакли билан ифодаланган, тасдиқни намоён қилувчи *il chante* гапи, кўрсатилган иккинчи гуруҳнинг модалликни ифодаловчи турли-туман модал сўзларнинг қўшилиши шарофати билан ўз маъносида ранг-баранг нозик фарқларни қўлга киритиши мумкин. Ушбу гап модаллигининг умумий характерини ўзгартирмасдан, унга тегишли сўз ва ибораларни киритиш билан кўрсатилган иш-ҳаракатнинг сифатини ўзгартириши мумкин: *il chante bien (mal, médiocrement* ва б.). Бироқ бу сифатлар сўзловчининг ўзи билдирган фикрига бевосита муносабатини анча аниқ кўрсатиш билан ифодаланишлари ҳам мумкин: *en effet, il chante bien (mal, médiocrement)*.

Сўзловчининг мулоҳазага муносабатларининг бу бошқачаликлари фақат ижобий эмас, балки салбий ҳам берилишлари мумкин: *en effet, il ne chante pas bien*. Тасдиқ ҳам, инкор ҳам сўроқ шаклда

²В. В. Виноградов. О категории модальности и модальных словах в русском языке, Труды Института русского языка, изд. Академии Наук СССР, М.-Л., 1950, стр. 41.

берилишлари мумкин: “en effet, il ne chante pas bien”, - “en effet, ne chante-t-il pas bien?”. (Охирги, сўроқ-инкор шаклда, маълумки, ҳар доим шубҳа, яъни инкорни инкор мавжуд). Шундай қилиб, ушбу гапнинг келтирилган ҳар бир (тасдиқ, инкор, сўроқ, сўроқ-инкор) конструкцияси мулоҳазага бошқача тус беради; бутун гапнинг en effet ёрдамида ифодаланган модаллик маъноси ўзгармайди.

Рус тилида маълум модал нозик фарқларни сўз тартибининг ўзи билан киритиш мумкин бўлар эди, масалан, қиёсланг: “Нехорошо он поет” ва “Он поет нехорошо”; охирги ҳолда равишнинг жойини ўзгартириш ва бу билан боғлиқ бўлган интонация ифодаланаётган иш-ҳаракатга кўпроқ инкор бағишлайди. Француз тилида эса, қатъий белгиланган сўз тартиби туфайли, кўрсатилган нутқ (тил) воситалари ёрдамида модаллик нозик фарқини киритиш чекланган.

Француз тилидаги бу чеклаш француз тилида “mise en relief” деб аталувчи нутқдаги ифодалиликнинг воситаларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотларда ҳам қайд қилинади.

Ҳозирги француз тилида модал сўз ва ибораларнинг қўлланилишини ва ривожланишини уларнинг барча алоқаларида ва бавоситаликларида кузатиш таклиф қилинаётган тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Чет эллик олимлар томонидан француз тилининг айрим сўзлари ва ибораларининг модаллигини ўрганиш мулоҳазанинг нутқ бирлиги сифатидаги гапнинг эмоционал жиҳатини ўрганиш билан параллел борди.

Гапдаги айрим сўзларнинг маъносига биринчи бор XVII асрнинг охири XVIII асрнинг боши француз мутафаккирлари эътибор берганлиги факти ҳаддан ташқари характерли ҳисобланади. Мисол учун, аллақачон А. Арно (Antoine Arnauld), машҳур картезианчи ва “Умумий грамматика”нинг муаллифи, ўзининг “Умумий грамматика”дан икки йил кейин чиққан “L’art de penser” (1662 й.) асарида сўз томонидан гапда эгалланадиган ўша кўшимча маънолар ҳақида фикр юритади.

Арнонинг кўрсатиб ўтишича, луғатлар сўзлар нутқда эгаллайдиган барча ўша маъноларни ифодалай олмайдилар, сўзларнинг баъзи бир маънолари унинг умумий маъноси билан боғлиқ бўлмасликлари мумкин. Балки унга сўзловчилар томонидан бағишланиши мумкин; одатда, унинг фикрига кўра, бу маънолар интонация, мимика, имо-ишоралар ва нутқнинг шу каби бошқа

воситалари билан ифодаланиши мумкин, уларнинг шарофати билан сўзлар сўзловчининг фикрларини ва туйғуларини акс эттирувчи маънонинг энг ранг-баранг нозик фарқларини оладилар. Айниқса сўзларнинг мазмуни учун, Арнонинг фикрича, нутқ интонацияси катта аҳамият касб этади: “... le ton signifant souvent autant que les paroles mêmes ...”⁶⁹

Даврнинг рационалистик таъсирлари, улар учун бевосита инсоннинг туйғуларига характерли эътибор ва бунинг оқибати сифатида бевосита жонли нутққа эътибор Дидро ва Даламбернинг таклифи билан Энциклопедиянинг грамматика бўлимини тузишда иштирок этган Ц. Дюмарсе (C. Du Marsais)нинг “Des tropes” асарида ўзининг биринчи аксини топади. Дюмарсе ўзининг трактатида, метафоралар кундалик, жонли тилнинг энг оддий ходисасини намоён қилади, деб ҳисоблайдиган Б. Лами (B. Lamy)га, “L’art de parler”нинг муаллифига эътироз билдиради: “... je suis persuadé qu’il se fait plus de figures un jour de marché à la Halle, qu’il ne s’en fat en plusieurs jours d’assemblées académique”.⁷⁰

Ўша вақт олимларининг инсоннинг тўғридан-тўғри туйғуларини ифодалаган жонли тилга бу эътибори ушбу даврнинг тилида прогрессив йўналишни намоён қилди, чунки адабий тилга жонли халқ тилининг сўзларининг ва шакларининг суқилиб киришини акс эттирди. Бироқ XVII- XVIII асрларда адабий тилнинг жонли халқ тили билан ҳаётбахш бойиши, албатта, реакцион доиралар томонидан тилнинг “бузилиши” сифатида, унинг “сусайиши” сифатида қабул қилинди.

Ушбу доираларнинг янги сўзларга ва шакларга бундай муносабатининг ўрнали мисоли бўлиб, ўша даврнинг сарой аҳлларига тегишли бўлган шахсларнинг суҳбати шаклида ифодаловчи, бу доираларнинг жонли халқ тилидан пайдо бўлган тил янгиликларига умумий муносабатини, суҳбатдош томонидан келтирилган мисоллар кўрсатиб турибдики, XVII асрнинг охиридаги асарлардан бири хизмат қилади:

⁶⁹A. Français. Précurseurs français de la grammaire “affective”, Mélanges de linguistique offerts à Charles Bally, Genève, 1939, p. 370 : “... интонация кўпинча сўз қанча нарсани ифодаласа, шунча нарсани ифодайди...”

⁷⁰Du Marsais. Des tropes ou des différents sens dans lequel on peut prendre un mot dans une même langue. Saint- Brieuc, 1811, p. 2: “... ишончим комил, бозор куни академик мажлисларнинг бир неча кунига қараганда кўпроқ метафоралар қўлланилади.

“ ... je voudrais bien demander encore à quoi servent ces superfluités de langage que j’ai tantôt entendues; n’était-ce pas assez celles qui s’étoient déjà introduites dans nos meilleurs Auteurs, ces car enfin, ces en effet, ces sans mentir, ces en mon particulier qui y sont si fréquens et si inutiles, et tant d’autres verbiages de cette nature qui ne veulent rien dire et qui bien loin d’orner un discours, ne servent qu’à l’affoiblir?

Pourquoi donc les augmenter par d’autres encore plus mal inventez, comme de dire, il est vrai que j’ai été en tel lieu, il est vrai que il y avait bonne compagnie, il est vrai que nous nous y sommes bien divertis... ” (Мальта оролида 20 йил ўтказган ва яқиндагина Парижга қайтган командирнинг нутқи).⁷¹

Умри тугаб бораётган синфнинг бундай эътирозлари адабий тилга халқ нутқининг янги оқимининг суқилиб киришини тўхтата олмади, чунки биз энди Лафонтенда “sans mentir” иборасини учратамиз: “Sans mentir, si votre ramage se rapporte à votre plumage, Vous êtes le phénix des hôtes de ces bois”. (“Le corbeau et le renard”).

“Car enfin”, “en effet” каби ибораларга келсак, улар ҳозирги кунда ҳам умумхалқ тилида, ҳам адабий тилда умумий кенг тарқалган.

XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларидаги француз олимлари томонидан жонли тил устидаги кузатишлардан пайқаб қолинган бутун гапни ташкил қилувчи айрим сўзларини тушуниш учун маъно жорий юз йилликка қадар ўзининг на француз тили бўйича махсус ишларда, на бу тилнинг тарихи бўйича умумий ишларда ўз ривожини топмади. Мисол учун, К.Нюропнинг француз тилининг тарихи ҳақидаги монументал ишда, француз тили учун модал маъноларнинг соҳиблари сифатида ўзига хос бўлган алоҳида сўзлар, шу ҳолича мутлақо қайд қилинмайди. К. Нюроп тилда мавжуд фактларни, уларнинг маъноларини кўриб чиқмай, оддий таъкидлаш билан чекланиб қолади. Мисол учун, модал маъноли равишдошлар тўғрисида у таъкидлайди: “Le gérondif s’emploie parfois d’une manière

⁷¹Fronçon de Caillerei ou de Caillères. Des mots à la mode et des nouvelles façons de parler. Seconde édition, Amsterdam, M. DC. XCII, p. 69-70. “ ... мен яна сўрамоқчи эдим, мен ҳозиргина эшитган тилдаги бу ортиқчаликлар нимага хизмат қилади; бизнинг энг яхши муаллифларимизнинг асарларига кирган, уларда шунчалик кўп ва бефойда ишлатиладиган бу ва ниҳоят, бу ҳақиқатан ҳам, бу айтиш хатомас, бу менга келсак ва шунга ўхшаш сафсатабозлик етарли эмасми; улар нутқни ҳеч ҳам беэмамай, ҳеч нарсани билдирмайдилар, фақат уни сусайтирадилар. Уларнинг сонини яна бошқа ёмонлари, масалан, чиндан, мен бундай жойда бўлдим, чиндан, улфатлар яхши эдилар, чиндан, биз у ерда яхши вақтичоғлик қилдик кабилар билан кўпайтиришнинг нима кераги бор...”

adverbiale sans se rapporter à aucun mot précis de la phrase précédente ou suivante”.⁷²

Кейинги йилларда нутқнинг эмоционал жиҳатига, демак, гапнинг умуй таркибида олинадиган айрим сўзларнинг модал маъноларига француз тили тадқиқотчилари томонидан катта эътибор қаратиляпти. Модал сўзларнинг лексик маънолари, уларнинг грамматик ифодаси, уларнинг ўзлари бўлаклари ҳисобланган гапларнинг умумий структураси билан алоқаси – бу масалаларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада ҳозирги кунда француз тили тадқиқотчиларини кизиқтираётган муаммолар доирасига киради.

Бироқ гапнинг умумий структурасида ўзининг специфик аҳамиятига эга бўлган грамматик категория сифатидаги модаллик тушунчаси, шу вақтгача француз тили тадқиқотчиларининг ишларида кўпроқ ёки камроқ аниқ таърифга эга эмас. Уларда биз ёки буржуа фани учун типикликни намоён қиладиган модалликнинг таърифининг ўзининг шакли бўйича дабдабали сўзларнинг тўплами билан, мазмуни бўйича эса мазмунсизлиги билан, масалан, Ch. Ballyнинг машхур иши “Linguistique générale et linguistique française”да мавжуд бўлган идеологик аниқ ифодани топамиз: “L’assertion est l’âme du jugement, de même que l’expression linguistique du modus-la modalité est l’âme de la phrase”⁷³, ёки модал маъноларнинг топ соҳасига тегишли бўлган С. Аугернинг “Француз тилининг қиёсий грамматикасида” бўлгани каби анъанавий топ таърифни топамиз, масалан: “... les adverbes de mode... ont pour fonction de déterminer... non pas, comme les autres adverbes le prédicat, c’est-à-dire l’action énoncée, mais le mode de l’énonciation, c’est-à-dire, le rapport du prédicat au sujet”⁷⁴; ёки, ниҳоят, бўлиши мумкин бўлган модал маъноларнинг ноаниқ санаб ўтилиши мавжуд, худди F. Brunotнинг “La pensée et la langue” ишидаги каби: “Une action énoncée, renfermée, soit dans une question, soit dans une énonciation positive ou négative se présente à notre jugement, à notre sentiment, à

⁷²Kr. Nyrop. Grammaire historique de la langue française, Copenhague, 1930, t.VI, § 244, 3: “Герундий олдинги ёки кейинги гапнинг ҳеч қандай маълум сўзига тегишли бўлмай, баъзан равиш сифатида қўлланилади”.

⁷³Ch. Bally. Linguistique générale est linguistique française, P., 1932, § 31: “тасдиқ – фикрнинг қалби, худди тилдаги модаллик ифодаси гапнинг қалби ҳисоблангани каби”.

⁷⁴С. Аугер. Grammaire comparée de la langue française, 4-e éd., Bâle, Genève et Lyon, 1896, § 249: “Модал равишларнинг вазифаси бошқа равишларга ўхшаб предикат билан ифодаланган белгини, яъни у билан ифодаланган иш-ҳаракатни аниқлаш эмас, балки хабар қилинаётганнинг модаллигини, яъни предикатнинг субъектга муносабатини аниқлашдир”.

notre volonté avec des caractères extrêmement divers. Elle est considérée comme certaine ou comme possible, on la désire ou on la redoute, on l'ordonne ou on la déconseille, etc. Ce sont les modalités de l'idée".⁷⁵

Модаллик тушунчасининг методологик асосланган ўз таърифининг йўқлиги шунга олиб келадикки, чет эллик тадқиқотчилар, асосан, кўриб чиқилиётган ҳодисанинг иккинчи даражали масалаларига эътиборни қаратадилар. Француз тили тадқиқотчиларининг кўпларини қизиқтирувчи шундай масалалардан бири равишларни ўз грамматик вазифалари бўйича чегаралашдир: гапнинг айрим сўзига ёки гапнинг қандайдир бўлагини ташкил қилувчи сўзларнинг гуруҳига тегишли бўлган равиш ва умуман бутун гапга тегишли бўлган равиш.

Фақат асл ташқи белгиларга асосланган бундай чегаралаш кўриб чиқилаётган ҳодисаларнинг ҳақиқий тушунилишини бермайди, чунки равишларнинг грамматик вазифалари уларнинг лексик маънолари билан боғлангандир. Ҳақиқатан, масалан, *sûrement* равиши модал маъно билан гапнинг алоҳида бўлагига, яна шунингдек умуман бутун гапга тегишли бўлиши мумкин, қиёсланг:

1. Vous ne savez sûrement pas toutes les misères par lesquelles j'ai dû passer pour en arriver où je suis. (Morg. Mauv. Gr. , p. 59).

2. Le conducteur de la petite voiture est le lieutenant Un Tel, un jeune homme; sûrement élégant, avec une voix de salon ... (Tr., Le premier accroc, p. 403).

3. Mais il ne fallut pas être à sa disposition, il en prendrait avantage, sûrement... (Tr. , Les fantômes, p. 155-156).

Биринчи ҳолда *sûrement* кесимга, иккинчи ҳолда – аниқловчига, охиригисида мулоҳазага унинг хулосаси сифатида тегишлидир.

Шундай равиш, масалан, “*heureusement*” каби, модал сўз сифатида, у гапнинг бошида турибди-ми, ўртасида-ми ёки охирида-ми, қатъий назар, фақат бутун гапга тегишлидир.

1. Heureusement, avec le temps qui passait, la vigilance policière s'atténuait. (Bonte, Le chemin, p. 54).

⁷⁵F. Brunot. La pensée et la langue. P., 1936, p.507: “Саволда, тасдиқ ёки инкор гапда мавжуд ифодаланган иш-ҳаракат бизнинг муҳокамамизга, туйғумизга, истагимизга жуда ранг-баранг кўринишда тақдим қилинади. У мавжуд ёки бўлиши мумкин тарзда идрок қилиниши мумкин, уни хоҳлашлари ёки ундан қўрқишлари мумкин, уни буюришлари ёки маслаҳат беришлари мумкин ва ҳ.к. Бу фикрнинг модаллигидир”.

2. Personne heureusement ne lui avait reproché d'être en chômage... (Morg., Mauv. Gr., p. 94).

3. Anne-Marie commençait à aimer son métier et à gagner sa vie, heureusement. (Tr. Les fantômes, p. 106).

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, айрим модал сўзлар умуман бутун гапга, бошқалари эса бутун гапга, ҳам унинг алоҳида бўлакларига тегишли бўлишлари мумкин. Модал сўзларнинг вазифасидаги бундай фарқ уларнинг лексик маънолари билан, яна шунингдек гапнинг умумий мазмуни билан боғлиқдир. Бу қоида буржуа тадқиқотчиларида тегишли ривожланишни топмайди.

Француз тили тадқиқотчиларининг ишларидаги равишларни уларнинг грамматик вазифалари бўйича мавжуд чегаралашни биз немис ва инглиз тиллари тадқиқотчиларининг ишларида ҳам учратамиз, у ерда бутун гапга тегишли бўлган равишлар учун махсус атамалар ишлаб чиқилган (немис тилида “Satzadverbien” ва инглиз тилида “Sentence-modifying adverbs”); француз тилининг тадқиқотларида ҳаммага маъқул бўлган атама ҳали ишлаб чиқилмаган, чунки равишларни чегаралашнинг ўзи ҳамда улар ўртасида умуман бутун гапга тегишли гуруҳларнинг ажратилиши фақат айрим тадқиқотчилар томонидан олиб борилади. Бунинг натижасида умуман бутун гапга тегишли равишларни билдириш учун ҳаммага маъқул бўлган атама йўқ. Бу равишлар ёки “adverbes de proposition”, ёки “adverbes de phrase” деб аталадилар.⁷⁶

Равишларнинг иккала гуруҳини уларнинг грамматик вазифалари бўйича аниқ чегаралашнинг қийинлигини француз тили тадқиқотчиларининг ўзлари ҳам тан оладилар ва вазиятдан чиқиб кетишни шундан топадиларки, бутун гапга тегишли бўлган равишлар орасидан (яъни асосан модал маъноларни ифодаловчи равишлар орасидан) ўз маъноларига кўра сўзловчининг “субъектив мулоҳазасини” намоён қилувчи равишларни ажратиб кўрсатадилар: “Il est difficile de délimiter exactement cette classe “des adverbes de proposition”. Notons que le groupe le plus important qui y entre est formé par les adverbes qui expriment un jugement subjectif de la part de celui qui parle.”⁷⁷

⁷⁶Н. Nilsson-Ehle. Les adverbes en -ment, compléments d'un verbe en français moderne, Copenhague, 1941, p. 14.

⁷⁷ Ўша жойда, 14-бет. ““Гапларнинг равиши” синфини аниқ белгилаш қийин. Унга кирувчи энг муҳим гуруҳ, сўзловчининг субъектив мулоҳазасини ифодалайдиган равишлар билан ҳосил қилинган”.

Модал сўзларни ажратиб кўрсатишнинг асосий мезони сифатидаги “Субъектив мулоҳаза” тушунчасини биз G. et R. Le Bidoisларнинг “*Syntaxe du français moderne*” ишида учратамиз. Муаллифлар, гарчи модал равишлар қаторига ундов, сўроқ ва кўпчилик (*la plupart*) инкор равишларни киритсаларда, шу билан бирга писанда ҳам қилиб қўядилар: “Хар қалай, “модаллик” тушунчаси баҳони ёки мулоҳазани ифодаловчи равишларга кўпроқ тўғри келадиганга ўхшаб туйилади (*il semble cependant que le terme de “modalité” convienne surtout aux adverbes d’appréciation ou de jugement, tels que: heureusement, peut-être, sans- doute, probablement etc.*)”⁷⁸

Шундай қилиб, модаллик категориясининг объектив маълумотларга асосланган умумий таърифнинг йўқлиги тадқиқотчиларни кўриб чиқилаётган тил ҳодисаларини таснифлашда бир ёклама субъектив мезонлардан фойдаланишга ва бу ҳодисаларни сунъий чеклашга олиб келади, демак, ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини умумий тўғри тушунишга бермайди.

Модал сўзлар тадқиқотининг кўрсатилган умумий тарзининг мисоли бўлиб Лебидуаларнинг юқорида келтирилган ишида мавжуд бўлган *peut-être* ва *sans doute* равишларининг тадқиқоти хизмат қилиши мумкин. Муаллифлар томонидан кўрсатилган равишларга тилнинг бошқа модал сўзлари қаторида ўриннинг таърифи, уларнинг ўзлари кирадиган гапларнинг умумий мазмунидаги аҳамияти, яъни бу равишларнинг моҳиятини тушунтириб берадиган асосий масалалар, тилнинг маълум лексик-грамматик ҳодисалари сифатида умумий ва ноаниқ характерга эга бўлиб, ушбу тил фактларининг ўзига хос хусусиятини тушуниш мумкин эмас. Муаллифлар модал сўзларнинг гуруҳларини таърифлашда хилма-хил атамалардан фойдаланадилар, бу гуруҳларга улар кўрсатилаётган равишларни киритадилар, бу атамаларнинг ҳар бири кўриб чиқилаётган ҳодисанинг фақат бир томонини аниқлашини сезмайдилар ҳам, демак, маълум атамани танлаш ҳодисанинг қайси жиҳати муҳим эканлигини кўрсатади. Шунинг учун муаллифлар томонидан ўзлари кўриб чиқаётган равишлар *peut-être* ва *sans doute* ҳамда бошқа равишларни “*logique*”

⁷⁸Le Bidois, G. et R. *Syntaxe du français moderne*, P. , 1938 , t. II § 975: “Бироқ “модаллик” атамаси асосан хайрият, дарҳақиқат, шак-шубҳасиз, албатта, очиқ-ойдин, турган гап, эҳтимол, албатта, муқаррар, балки, афтидан ва ҳ.к. каби баҳо ёки мулоҳаза равишларига тўри келади.

(ou de “modalité” ou de liaison)⁷⁹ га киритилиши уларнинг лексик ва грамматик ўзига хос хусиятига ноаниқлик киритади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Виноградов В.В. «О категории модальности и модальных словах в русском языке» // Труды Ин-та русск.яз., т.2. М.-Л., 1950.

2. Виноградов В.В. «О категории модальности и модальных словах в русском языке» // Избранные труды. Исследования по русской грамматике. - М.: Наука. 1975. - С. 54 - 87.

3. Турниёзов Н.к. «Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар» Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд ДЧТИ, 2005. - Б. 21-22.

4. Ёкубов Ж.А. «Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари». - Т.: Фан, 2005. -Б. 224

5. Якубов Ж.А. Модальность условных предложений и их синонимические варианты в современном французском языке. МГУ им. М.В. Ломоносова. Объем 3.1. - Москва. 2002. – С. 48.



**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО ВОООБРАЖЕНИЯ И ФАНТАЗИИ У
МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ЭКСКУРСИЙ
В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ
DEVELOPMENT OF CREATIVE IMAGINATION AND FANTASY
IN YOUNGER SCHOOLCHILDREN WHEN CARRYING OUT
EXCURSIONS IN PRIMARY EDUCATION**

**Аброронова Камолахон Аброрхон кызы⁸⁰
Худойбердиева Сайёра Кылыч кызы⁸¹**

Аннотация. В статье рассматривается проблема духовно-нравственного развития современного ребёнка. Особенность организации увлечения детей начальной школы к культурным наследиям и общечеловеческим ценностям-музейного урока.

⁷⁹Le Bidois G. et R. Syntaxe du français moderne, t. II, § 872.

⁸⁰ заведующая кафедрой «Педагогика начального образования» Ташкентского государственного педагогического университета, доктор философских наук по педагогике (PhD), kabrorxonovna@mail.ru

⁸¹ студентка 2-курса Начального образования Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами, sayvora.xudoyberdiyeva@yandex.com